
ФАРГОНАДА ЯНА БИР ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳри Кимёгарлар МФЙ худудидаги “Саноатчилар” Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида “Teplo Ideal” МЧЖ томонидан барпо этилган энергия тежамкор иситиш қозонлари ишлаб чиқариш корхонасининг ишга туширилишига бағишиланган тантанали тадбирда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимларини модернизация қилиш борасидаги қарори ҳамда бу қарор доирасида иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчилар божхона ва солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватланаётгани, уларга қулай шартшароитларни яратилгани натижасида иш бошлаган ушбу корхона йилига 750 та кўмир ёқилғисида ишлайдиган энергия тежамкор иситиш қозонлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Муҳтарам Президентимизнинг қарорлари билан вилоятимизда жами 6 мингдан зиёд, шу жумладан, жорий йилнинг ўзида 2455 та давлат ижтимоий соҳа обьектларининг иситиш тизимлари давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилинаётганини, энергия тежовчи ва хавфсизлик даражаси юқори бўлган иситиш қозонлари ўрнатилаётганини қайд этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш учун вилоятимизда барча шароитлар яратиб берилишини таъкидлади.

Тадбиркор Адҳамжон Маъмуроев ташаббуси ҳамда ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳа қиймати 12,5 миллиард сўм бўлиб, корхона Хитойдан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

Корхонада ишлаб чиқариладиган автоматлаштирилган иситиш қозонлари аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа обьектларини самарали иситиш тизимлари билан таъминлаш учун хизмат қиласи.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-05 18:17:51